

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2024 йил июль ойининг 10 куни, Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисини ўтказиб, раислик қилувчи - вилоят судининг судьяси И.Абраев, ҳайъат судьялари О.Каримов ва М.Маликовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Б.Нормуродовнинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори М.Чориев, судланувчи Б.С. ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Бердиевнинг иштирокида, судланувчи Б.С. томонидан келтирилган апелляция шикоятини жиноят иши материаллари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2024 йил 1 май кундаги ҳукмига кўра,

С.Б.Ю., 1992 йил 21 декабрь куни Термиз туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, вақтинча ишсиз, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам;

1) жиноят ишлари бўйича Қизириқ туман судининг 2014 йил 10 февралдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарорининг 7-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2014 йил 3 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси кўлланиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

3) жиноят ишлари бўйича Термиз туман судининг 2015 йил 10 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми, 267-моддаси 1-қисми, 227-моддаси 2-қисми “а” банди ва 169-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 59,60,61-моддаларига асосан 3 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;



4) жиноят ишлари бўйича Термиз туман судининг 2016 йил 10 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 3-қисми “а” банди, 118-моддаси 2-қисми “г” банди, 227-моддаси 2-қисми “а” банди, 168-моддаси 2-қисми “б” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисмига асосан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Бўстонлик туман судининг 2019 йил 13 мартдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан 4 йил 2 ой 27 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган,

5) жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 2019 йил 3 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди ва 267-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 60,61-моддаларини қўллаб, узил-кесил 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жиноят ишлари бўйича Шеробод туман судининг 2023 йил 18 майдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан 3 йил 11 ой 19 кун муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, Термиз тумани “М.Э” маҳалласи Я кўчаси -уйда яшаган, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, суддан яширинганлиги сабабли қидирув эълон қилиниб, эҳтиёт чораси қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига алмаштирилган, айблов хулосаси нусхасини олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 5 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 34-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан ўта хавfli рецидивист деб топилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Б.С. фирибгарлик йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил 13 август куни соат 13⁰⁰ларда ўзига олдиндан таниш бўлган У.Ю.нинг яшаш хонадонига бориб, У.Ю.га тегишли бўлган баҳоси 33.000.000 сўмлик қизил рангли “ХУНДИЕ” русумли мотоциклни У.Ю.дан ҳайдаб юриш мақсадида сўраб олиб, мотоциклни бир неча кун давомида ҳайдаб, У.Ю.дан мотоциклни сотиш учун рухсат олмасдан, унга ушбу мотоциклни сотаётганлигини айтмасдан, 2023 йил август ойининг ўрталарида Узун тумани Донишобод маҳалласида яшовчи Қ.Х.га мотоциклни ўзига тегишли эканлигини айтиб, уни алдаб, мотоциклни 20.000.000 сўмга сотиб юбориб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритилган пулларни ўзининг хсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.



Судланувчи Б.С. шикоятда, мотоцикл ўзига совға қилинган бўлгани, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда жиноят содир этгани, оилавий аҳволи оғирлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраган.

Апелляция инстанцияси судида сўралган судланувчи Б.С., шикоятини қувватлаши, биринчи босқич судида берган кўрсатувларини тасдиқлаши, 2023 йил август ойининг бошларида қайинакаси У.Ю.дан “Хунжие” русумли мотоциклни олганлиги, кейин ушбу мотоциклни ҳайдаб юрганлиги, орадан икки кун вақт ўтиб қайинакаси уйига чақирганлиги, унинг уйига турмуш ўртоғи Ю.а М билан биргаликда борганлиги, ўша вақтда қайинакаси уйининг эшигидан кирган жойда мотоциклнинг ҳужжатларини кўрсатиб, мотоциклни хоҳлаган ишга ишлатиши мумкинлиги, унинг ишларга аралашмаслигини, кредитлари тўланганидан сўнг номига расмийлаштириб беришини айтганлиги, шундан сўнг ташқарига чиққанида, турмуш ўртоғи мотоциклнинг ҳужжатларини янғасидан олиб чиққанлиги, кейин кетишганлиги, қайинакаси орадан бир неча кун ўтиб иш жойига келиб, мотоциклнинг кредитларини 2 ой тўлаганлигини айтиб, майда-майда қилиб, умумий ҳисобда 700.000 сўмдан ортиқ пулларни олганлиги, иш жойида бўлган вақтида ёнига Қ.Х. келиб, ушбу мотоциклни сотиш ёки сотмаслигини сўраганлиги, унга сотилишини айтганлиги, кейин ўзаро 20.000.000 сўмга келишишганлиги, Қ.Х. ўзини Боботоғдан эканлигини айтганлиги, шундан сўнг ундан 20.000.000 сўм пулларни олганлиги, ушбу пуллар эвазига Бойсун туманидан Нексия-1 русумли автомашинани олиб келганлиги, ушбу автомашина билан Термиз шаҳар ҳудудида киракашлик қилиб юриб, 2023 йил 18 август куни ЙТҲга учраганлиги, шундан сўнг қайинакаси ёнига келиб мотоциклни қайтариб беришини сўраганлиги, қайинакаси мотоциклни ўзининг шароитини яхшилаш учун берганлиги, уни қайтариб олмаслигини айтганлиги, мотоциклни сотиши ҳақида қайинакасидан сўраши шарт бўлмаганлиги, унга ушбу мотоциклнинг кимга тегишли эканлигини айтмаганлиги, унга ушбу мотоциклни ўзига тегишли деб айтганлиги, Термиз тумани Солиобод маҳалласи ҳудудида 20 млн пулларни Қ.Х.дан олиб мотоциклни бериб юборганлиги, қилган ишидан пушаймонлиги ҳақида кўрсатув бериб, оилада ягона боқувчи эканлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья М.Маликовнинг маърузасини, прокурор М.Чориевнинг шикоятни рад қилиб, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш, адвокат А.Бердиевнинг судланувчи Б.С.га енгиллик бериш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши материаллари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз, келтирилган шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Судланувчи Б.С.нинг айби ўзининг суддаги кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи У.Ю., фуқаровий даъвогар Қ.Х.нинг биринчи босқич судида берган кўрсатувлари, гувоҳларнинг судда берган кўрсатмалари, тушунтириш хатлари, кредит шартномаси нусхаси, тўлов квитанциялари нусхаси, фото-иловалар, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси, унга иловалар ҳамда ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан исботланган.



Гарчи, судланувчи Б.С. шикоятда, мотоцикл ўзига совға қилинган бўлгани, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда жиноят содир этгани ҳақида важ келтирса-да, судлов ҳайъати унинг ушбу важлари билан келишмади.

Чунки, унинг ушбу важлари:

-жабрланувчи У.Ю.нинг биринчи инстанция судидаги, 2023 йил 31 июль кунидан буён Термиз шаҳар ҳокимиятида ҳайдовчи бўлиб ишлашлиги, ишга киришидан олдин яшаш аҳволини яхшилаш мақсадида 2023 йил 15 июль куни Термиз шаҳрида жойлашган Микрокредит банкдан 3 йиллик кредит асосида қизил рангли “Хонжи” русумли мотоциклни олганлиги, унинг ойлик тўловларини амалга ошириш учун 2 нафар фарзандига тушадиган ойлик болалар пулидан қопланишига қаратилганлиги, ушбу мотоцикл билан Термиз шаҳар ҳудудида бир неча маротаба ишлаганлиги, ҳокимиятга ишга кирганидан сўнг ушбу мотоцикл уйда турганлиги, шу вақтларда 2023 йил 13 август куни ишда бўлган вақтида яъни соат 1200ларда кичкина синглиси Ю.а Мнинг турмуш ўртоғи Сафаров Б. қўнғироқ қилиб, уйда турган мотоциклни ким ҳайдаётганлигини, агарда ҳеч ким ҳайдамаётган бўлса унга беришини ва Термиз шаҳар ҳудудида нарсаларни ташиб тирикчилик қилишини айтганлиги, унга ушбу мотоциклнинг ҳозирда кредитда эканлигини, уни уйдагилари онаси ва турмуш ўртоғидан сўраб кўришини, улар рухсат берсагина бериши мумкинлигини айтганлиги, шундан сўнг ўз ишлари билан шуғулланиб юрганлиги, соат 2100ларда яшаш уйига келганида турмуш ўртоғи Х.М. ушбу куни соат 1400ларда турмуш ўртоғининг ёлғиз ўзи яшаш уйда бўлганлиги, ўша вақтда куёви Б.С. уйга келиб уйда турган мотоциклни ўзидан сўраганлиги, унга олиб кетишга рухсат берганлигини айтиб, ушбу мотоциклни олиб чиқиб кетганлиги, турмуш ўртоғи телефонида пули бўлмаганлиги сабабли телефон қила олмаганлигини айтганлиги, шундан сўнг Б.га бир неча маротаба қўнғироқ қилганлиги, у телефонларига жавоб бермаганлиги, кейин телефони кўтарганида, ундан нима сабабдан олиб кетганлигини айтганида, у жавоб беролмасдан қолганлиги, унга мотоциклни тезда олиб келишини айтганлиги, лекин Б.С. мотоциклни олиб келмаганлиги, унга ҳар доим мотоциклни олиб келишини айтганида, у турли хил баҳоналар билан алдаб олган мотоциклни олиб келмаганлиги, орадан тахминан бир ҳафталар вақт ўтганидан сўнг куёви Б. уйдан олиб кетган мотоциклни 20 млн сўмга сотиб юборганлигини, унинг пулига Нексия-1 русумли автомашинани сотиб олганлиги, ушбу автомашинани бермоқчи эканлигини айтганидан сўнг, ушбу автомобилни суриштирганида, ушбу автомашинани ҳар ойига 200 АҚШ долларидан бериб бориш шарти билан олганлигини айтганидан сўнг унинг таклифини рад қилиб, мотоциклни қайтариб беришини айтганлиги, Б.С. турли баҳоналар билан “мотоциклни бугун олиб келаман эрта олиб келаман” деб ҳозирга қадар алдаб келганлиги, Б.С.дан етказилган зарарини ундириб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраши ҳақидаги кўрсатуви;

-фуқаровий даъвогар Қ.Х.нинг биринчи инстанция судидаги, 2023 йил июль ойларида Термиз шаҳардан Лабо автомашинасини олганлиги, шу вақтда Б. Боботоғ томонларга эски автомашиналар бор ёки йўқлигини сўраганлигини, унга эски автомашиналар топилса хабар беришини айтганлиги, шундан сўнг 2023 йил август ойларида Б. унга телефон қилиб,



“Хунжай” русумли мотоцикли борлиги, уни сотмоқчи эканлигини айтганлиги, унга бу нарса керак эмаслигини айтганлиги, аммо у пул зарур эканлигини, онасини соғлиги яхши эмаслигини айтганлиги, шундан сўнг рози бўлганлиги, 2023 йил август ойининг ўрталарида Термиз шаҳар, Мангузар маҳалласига тунги вақт соат 01:00лар атрофида келганлиги, бу ерга келганидан сўнг Б. билан учрашганлиги, у Б.нинг мотоциклни 20 млн сўмга сотиб олганлиги, ўша ернинг ўзида Б.га 20 млн сўмни берганлиги, Б.дан мотоциклни ҳужжатлари борми деб сўраган вақтида у ҳужжатларнинг барчаси уйидалиги, ҳозирда онаси касаллиги туфайли пулларни олиб зудлик билан операцияга кириши кераклигини айтганлиги, Б.га уйига боришини айтганида, у эса уйи бу ердан узоқда, боргунча кеч бўлишини айтганлиги, Б. “Сизнинг телефон рақамингиз менда бор, ўзим сизга телефон қилиб, почта орқали барча ҳужжатларни жўнатаман” деб айтганлиги, Б.дан ариза ёздириб олиб, аризасида ушбу мотоциклни ўзига тегишли эканлиги ва пул зарурлиги учун сотаётганлигини маълум қилганлиги, бу гапларини видео ёзувга ҳам ёздириб олганлиги, шундан сўнг у мотоциклни Узун туманига олиб кетганлиги, 2023 йил 12 октябрь куни ўзини ИИБ ходими деб таништирган фуқаро унга телефон қилиб, бўлган ҳолатни айтиб берганлиги, шундан сўнг у ўз ихтиёри билан мотоциклни тақдим қилганлиги, Б.С.га нисбатан даъвоси борлиги, суддан етказилган зарарни ундириб беришини сўраши ҳақидаги кўрсатуви ва ишни судда кўришда жараёнида аниқланган ҳолатлар билан тўлиқ рад қилинади.

Суд иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, судланувчи Б.С.нинг айбдорлиги ҳақида асосли хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузатилиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

ушбу Кодекснинг 54-моддаси 2-қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.

Биринчи босқич суди судланувчи Б.С.нинг жиноий ҳаракатини тўғри квалификация қилиб, унга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, юқоридаги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандидаги “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал



тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида”ги тушунтиришларига амал қилган ҳолда ишдаги енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, шахсини, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, қилмишига мувофиқ меъёрда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, қонуний, адолатли ва асосли тўхтамга келган.

Бундай ҳолда Б.С.нинг енгиллик бериш ҳақидаги важларини ҳам асосли деб бўлмайди.

Баён қилинганларга кўра, судлов ҳайъати суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 482-484, 497¹⁷, 497¹⁸, 497²⁶, 497³¹, 497³⁶-моддаларига асосланиб, судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2024 йил 1 май кундаги С.Б.Ю.га оид чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикояти қаноатлантирмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи	(имзо)	И.Абраев
Ҳайъат судьялари	(имзо)	О.Каримов
	(имзо)	М.Маликов
Аслига тўғри		М.Маликов

